

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



“ДАШКОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ” АЖ  
ООО “ДАШКОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ”

Р.Туракулов  
2022 й.

**“ДАШКОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ” АЖНИНГ КУИЧ ЦЕХИДАГИ L0302 16/3.2 ТН ВА  
L0303 5 ТН ЮК КҮТАРИШ КРАНИ 0,4кV ЛИ ТОК ЎТКАЗУВЧИ ШИНАСИННИ ЕЧИБ  
ОЛИШ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ТОК ЎТКАЗИШ ЙЎЛИНИЙ ЎРНАТИШ ҲИЗМАТИНИ  
КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА  
ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Даҳконобод – 2022 й.

## I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

<b>1</b>	<b>Умумий қоидалар.</b>	
		1.1 Танлаш предмети: "Деҳқонобод калий заводи" АЖ КУИЧ цехидаги L0302 16/3.2 тн ва L0303 5 тн юк кўтариш крани 0,4кВ ли ток ўтказувчи шинасини ечиб олиш ва бошқа турдаги ток ўтказиш йўлини ўрнатиш хизмати. Танлаш предмети битта бўлинмас лот хисобланади
		1.3 Техник топшириқ бўйича Танлашнинг охирги қиймати бажариладиган ишлар учун ҚҚС сиз 254 015 696 ( Икки юз эллик тўрт миллион олти юз тўқсон олти минг) сўмдан ошмаслиги керак. Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охирги қийматдан юқори бўлмаслиги керак. Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
		1.5 Хизмат кўрсатиш бўйича техник талаб танлаш ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
		1.6 Танлаш комиссиясининг мажлиси – сиртдан электрон шаклда ўтказилади.
<b>2</b>	<b>Танлаш ташкилотчилари</b>	2.1 “Деҳқонобод калий заводи” АЖ танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) хисобланади. <b>Манзил:</b> Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Бешбулоқ қишлоғи, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ <b>Банк:</b> “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Қашқадарё минтақавий филиали <b>X/P:</b> 20210000904620443001 <b>МФО:</b> 00854 <b>ИНН:</b> 206887857 <b>ОКОНХ:</b> 13116; <b>ОКЭД</b> 20151
		2.2 Мулоқот учун маъсул шахс: Комиссия котиби – “Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг шартнома мажбуриятлари ва ғазначилик бўлими етакчи иқтисодчиси Остонов Бахтиёр Баратович Тел.: (998 91) 450-72-00, Талабнома киритган бўлинма раҳбари: Э.Ядгоров (98) 776-33-44.
		2.3 Голиб билан шартнома имзоловчи: “Деҳқонобод калий заводи” АЖ
		2.4 Танлаш, “Буюртмачи” томонидан ташкил қилган, таркиби камида беш кишидан иборат, танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.
		2.5 Танлашда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, истаган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. (4.2 бандда келтирилган

			шахслар бундан мустасно).
3	<b>Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар</b>	3.1	<p>Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар гаров сифатида, танлаш предметининг максимал нархидан 3 (уч) фоиз миқдорида <b>etender.uzex.uz</b> маҳсус ахборот порталининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказиб беради (<i>гаров суммаси шартнома имзолангандан сўнг иштирокчига қайтарилади</i>)</p>
		3.2	<p>Келишилган муддат ичида танлаш таклифининг қайтариб бўлмайдиганлиги ва ўзгармаслигининг кафолати сифатида қуидагиларни гаровга қўйилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кафолат муддати таклифларни қабул килишининг охирги санасидан бошлаб 90 (тўқсон) кун бўлиши керак.</li> </ul>
		3.3	<p>Танлаш харидлари бошланишидан олдин танлаш комиссияси иштирокчиларни қуидаги тартибда танлаб олади:</p> <p><b>Балл усули</b> – танлов таклифининг техник ва квалификацион ва нарх кисмларини баҳолашни ҳисобга олган холда энг юкори балл туплаган иштирокчини голиб сифатида аниклади.</p> <p><b>Энг паст нарх усули</b> – танлов таклифларининг техник кисмини баҳолаш ва натижаларига кура электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини голиб сифатида аниклади.</p> <p>Танлашда иштирок этиш учун фақат малакавий танлашдан ўтган иштирокчиларга рухсат берилади.</p> <p>Малакавий танлаш учун иштирокчилар қуидаги мезонларга жавоб бериши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномани бажариш учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</li> <li>- шартнома тузиш хуқуки;</li> <li>- уларга нисбатан киритилган банкротлик процедураларининг йўқлиги;</li> <li>- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ёзувнинг йўқлиги;</li> </ul>
4	<b>Танлашни ўтказиш шарти</b>	4.1	
		4.2	<p>Кўйидаги иштирокчиларнинг танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди:</p> <p><b>Қайта ташкил қилинши, тугалланиши ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;</b></p> <p><b>“Буюртмачи” билан судда ёки ҳакамлик судида тортишаётган;</b></p> <p><b>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;</b></p> <p><b>соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши бўйича қарздорлиги бор;</b></p> <p><b>имтиёзли солик режисмини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиши ва беришини кўзда тутмайдиган давлатлар ёки</b></p>

			<b>худудларда (оффишор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.</b>
		4.3	Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиради: Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда “Буюртмачи”нинг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбахо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
		4.4	иштирокчи адолатсиз танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
5	<b>Танлаш тили.</b>	5.1	Танлаш таклифи, иштирокчи ва “Буюртмачи” томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	<b>Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби</b>	6.1	<b>Иштирокчи etender.uzex.uz очик электрон ахборот портали оркали эълон қилинган лот буйича танлаш таклифларини тақдим қилишлари керак.</b>
		6.2	Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари, ўз таклифларини <b>etender.uzex.uz</b> очик ахборот порталаида берилган эълонда белгиланган тартибда танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қиласи.
		6.3	Танлаш иштирокчиси:  тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;
			тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
		6.4	Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва х.з.
		6.5	<b>Танлаш таклифи икки қисмдан иборат:</b> - техник қисм. Буюртмачининг техник топшириғига мос келиши ва таклиф етилаётган хизматларнинг батафсил тавсифидан иборат; - нарх қисми. Танлаш шартларига мувоғик бўлиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: хизматларнинг номи, хизматларнинг нархи, умумий миқдори ва тўлаш шартлари, солиқлар, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.
		6.6	<b>Танлаш таклифлари қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани,</b>

			<b>Бешбулоқ қишлоғи-180405, “Дехқонобод қалий заводи” АЖ.</b>
<b>7</b>	<b>Тақдим қилинган танлаш таклифлари муддатини узайтириш</b>	7.1	<p>Зарур ҳолларда, “Буюртмачи” танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш комиссияси қарорига асосан, танлаш иштирокчиларига таклифларини амал қилиш муддатини узайтириш түғрисидаги таклиф билан таклифларни кабул қилишинг охирги муддатидан 3 кун олдин мурожаат қилиши мумкин.</p>
		7.2	<p>Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш түғрисидаги эълон маҳсус ахборот порталда жойлаштирилади.</p>
<b>8</b>	<b>Танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш</b>	8.1	<p>Зарур ҳолларда “Буюртмачи” танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.</p> <p>Танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида қарор, таклифларни тақдим қилиш муддати тугашидан камида 3 (уч) кун аввал қабул қилиниши мумкин.</p> <p>Танлаш таклифларига ўзгартишлар киритиш жараёнида кўрсатиладиган <i>ишилар, хизматлар</i> ёки уларнинг тавсифлари ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Таклифларни бериш муддати тугаган пайтда танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилганда танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан бошлаб, камида <b>5-12</b> кунга узайтирилади.</p> <p>Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.</p>
<b>9</b>	<b>Танлаш таклифлари солинган конвертларни очиш таомили ва уларни баҳолаш мезонлари</b>	9.1	<p>Иштирокчиларнинг танлаш таклифларини кўриб чиқиши ва баҳлолаш муддати, танлаш таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб 10 (<b>йн</b>) кундан ошмаслиги керак.</p>
		9.2	<p>Танлаш комиссияси рад қилинмаган таклифларни баҳолаб, танлаш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлаш ғолибини аниқлайди.</p>
		9.3	<p>Танлаш иштирокчиси тақдим қилган хужжатлардаги маълумотларнинг соҳталиги аниқланса, танлаш комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.</p>
		9.4	<p>Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш танлаш хужжатларида баён қилинган мезонлар асосида амалга оширилади.</p>
		9.6	<p>Таклиф амалдаги қонунчилик ва танлаш хужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.</p>
		9.7	<p>Танлаш таклифи амалдаги қонунчилик ва танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаса, танлаш комиссияси таклифни рад этади.</p>

		9.10	Агар танлаш иштирокчилари танлаш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтидаги сана бўйича танлаш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
		9.11	Танлаш хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси <b>ғолиб</b> деб топилади.
		9.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		9.13	Танлашнинг хорижий ва маҳаллий иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади
		9.14	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш тизим томонидан <b>баённомада</b> қайд қилинади.
		9.15	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан амалга оширилад.
		9.16	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танлашнинг хар қандай иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
<b>10</b>	<b>Бошқа шартлар</b>	10.1	Агар танлашда ишлаб чиқарувчининг илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган маҳсулотлари таклиф етилса, танлаш комиссияси ушбу маҳсулотга учинчи шахсларнинг маҳсулотга тегишли тавсияни тақдим етишини талаб қилиш ҳуқуқига ега.
		10.2	Танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров “Буюртмачи”га таклифлар берилиши якунланиши санасидан камида 2 (икки) кун аввал келиб тушган тақдирда “Буюртмачи” кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида белгиланган шаклда танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

		11.3	<p>Күйидаги холларда танлаш ўтмаган деб топилиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li><i>танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда; тақлифларни кўриб чиқиши якунлари бўйича танлаш комиссияси барча тақлифларни танлаши хужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.</i></li> </ul>
		11.4	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ғолиб бўлган тақлиф акцептигача, “Буюртмачи” исталган вақтда танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда “Буюртмачи” маҳсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.</li> </ul>
12	<b>Шартнома тузилиши</b>	12.1	Танлаш натижаларга кўра шартнома, Ғолиб билан шартнома тузажетган танлаш “Буюртмачи”си томонидан тақдим қилинган танлаш хужжатида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.
		12.2.	Танлаш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”дан тегишли ёзма хабарнома олади.